

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**РАСУЛЕВА ТАХМИНА АБДУАЛИЕВНА**

**ЭКЗОГЕН-КОНСТИТУЦИОНАЛ СЕМИЗЛИКДА ФЕРТИЛ ЁШДАГИ  
АЁЛЛАРДА РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ  
КЛИНИК-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Расулева Тахмина Абдуалиевна**

Экзоген-конституционал семизликда фертил ёшдаги  
аёлларда репродуктив тизими бузилишларининг  
клиник-генетик жиҳатлари..... 3

**Расулева Тахмина Абдуалиевна**

Клинико-генетические аспекты нарушенной репродуктивной  
системы женщин фертильного возраста с экзогенно-  
конституциональным ожирением..... 25

**Rasuleva Takhmina Abdaliyevna**

Clinical and genetic aspects of reproductive disorders  
of childbearing age women with exogenously  
constitutional obesity..... 47

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works..... 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**РАСУЛЕВА ТАХМИНА АБДУАЛИЕВНА**

**ЭКЗОГЕН-КОНСТИТУЦИОНАЛ СЕМИЗЛИКДА ФЕРТИЛ ЁШДАГИ  
АЁЛЛАРДА РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ  
КЛИНИК-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib331 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Нажмутдинова Дилором Камартдиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хайдарова Феруза Алимовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Ешимбетова Гулсара Закировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru); Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**С.И. Исмаилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда ортиқча тана вазни ва семизлик организмда ёғларнинг меъёрдан ортиқ тўпланиши бўлиб, саломатлик учун катта хавф туғдирмоқда. Ҳаёт давомийлиги тана вазни биров ошганда ўрта ҳисобда 3 – 5, яққол семизликда эса 15 йилгача қисқариши мумкин. Амалиётда ҳар уч ўлимнинг иккитаси танада ёғ алмашинуви бузилиши ва семизлик оқибатида келиб чиққан касалликлардан содир бўлади. Ортиқча тана вазни ва семизлик кузатилаётган аҳоли сонининг кўпайиши барча ёшдагиларда учрамоқда ва фертил ёшдаги аёллар ҳам бундан мустасно эмас. Бутун жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, «... 2025 йилга келиб семизликнинг ер юзидаги аёллар орасида учраши 50% гача кўпайиши кутилмоқда»<sup>1</sup>.

Дунё бўйлаб кенг қамровли илмий текширишлар олиб борилиб семизликнинг репродуктив фаолиятга таъсири атрофлича муҳокама қилинмоқда. Бир қатор муаллифлар фикрича «...модда алмашинуви жараёнларининг ўзгариши жинсий фаолият бузилишининг турли шакллари пайдо бўлишига олиб келади»<sup>2</sup>. Экзоген-конституционал семириш негизида репродуктив касалликларнинг ривожланиши ушбу муаммони чуқурроқ ўрганиш учун истиқболни очадиган генетик муаммолар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кўп сонли генетик полиморфизмлар ва турли хил метаболик тизимларнинг ген мутациялари мавжуд бўлиб, улардан клиник нуқтаи назардан муҳим бўлгани лептин метаболизм генлари ҳисобланади. Унинг полиморфизмлари фертил ёшдаги аёлларда ортиқча вазннинг ривожланишига таъсир қилади. Семириб кетиш репродуктив тизим касалликлари юзага келишининг асосий омилларидан бири сифатида қаралганлигини ҳисобга олиб, туғилишнинг пасайиши ва унинг патологик йўналишларини келтириб чиқариши эндокринологлар ҳамда гинекологлар олдида фертил ёшдаги аёлларда семизликни олдини олиш ва эрта ҳамда муқобил ташхислаш каби долзарб вазифаларни қўймоқда.

Мамлакатимизда тиббий ёрдам самарадорлигини, сифатини яхшилаш, ташхис қўйиш ва даволашда юқори технологияларни жорий этиш, соғлом турмуш тарзини сақлаш ҳамда касалликларнинг олдини олиш учун патронаж тизими ва диспансерлаштиришнинг самарали моделларини яратиш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, эндокрин касалликларни камайтиришда аҳолига ушбу йўналишда ёрдам кўрсатиш, ички секреция безлари касалликларини барвақт аниқлаш ва даволашнинг самарали усулларини жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан республика аҳолиси учун ижтимоий ва тиббий хизмат сифатини ошириш, шунингдек, давлат муҳофазасига муҳтож аҳоли ўртасида турли касалликларнинг

<sup>1</sup> World Health Organization, 2018, General information about obesity

<sup>2</sup> Maredia H., Hawley N.L., 2018; Fichman V., Costa R.D., 2019

ривожланишига қарши кураш бўйича профилактика чораларини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2019-йил 7-майдаги «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-4295-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қатор тадқиқотлар экзоген-конституционал семизлик туғиш ёшидаги аёллар орасида репродуктив касалликлар кенг тарқалишининг асосий сабабларидан бири эканлигини кўрсатди. N. Santoro ва B. Lasley (2004) томонидан олиб борилган кўп марказли когорт тадқиқотлари кўрсатилишича ортиқча вазнли аёлларда тартибсиз ҳайз цикллари статистик жиҳатдан сезиларли даражада кўп учрайди. Муаллифлар семириб кетиш сариқ тананинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатишини қайд этиб ўтишган. Ортиқча вазнли аёлларда репродуктив тизим фаолияти бузилишининг тез-тез намоён бўлиши тухумдон поликистози синдромида кузатилиб, уларда ортиқча вазн ёки семиз аёлларнинг нисбати турли мамлакатларда ўзгариб туради (Fauser B. C. et al., 2012; Григорян О. Р., Андреева Е. Н., 2016). Кўпгина илмий изланишлар натижаси репродуктив тизим ва метаболизм ўртасидаги боғлиқликда нафақат тана вазнини тартибга солиш, балки эндокрин, репродуктив ва иммунитет тизимларини сақлашда ёғ тўқималарининг гормони – лептин муҳим ўрин тутишини кўрсатди. Эркалар ва аёлларда репродуктив фаолиятни меъёрида сақлаб қолиш учун лептин концентрацияси маълум бир ораликда бўлиши лозим. Чунки юқори ёки паст кўрсаткичлар гипоталамо-гипофизар-гонадал тизимнинг меъёрида ишлашига тўсқинлик қилади (Daghestani M. et al., 2019).

Эндокринологлар ва гинекологлар амалиётида семириб кетиш негизида репродуктив касалликлар келиб чиқиш муаммоси мавзусига бағишланган кўп сонли илмий изланишлар олиб борилишига қарамасдан генетик жиҳатдан кам ўрганилган. Репродуктив ёшдаги аёлларда семириб кетишнинг генетик белгиларини ўрганишга бағишланган айрим мақолалар мавжуд. Уларга кўра, LEPR гени борасида қатор тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, илгари ўтказилган генетик тадқиқотлар метаболик синдром (МС), абдоминал семизлик, гипергликемия, гиперинсулинемия, дислипидемия, юқори қон

босими ва лептин даражасида LEPR (лептин рецепторлари) генида жойлашган SNP (ягона нуклеотид) нинг аҳамиятини кўрсатди. Баъзи муаллифлар Arg223Arg гомозигот генотиби ташувчилари жисмонан камроқ фаол, секинроқ энергия сарфлайдилар ва Gln223Gln генотиби ташувчиларидан (Кьюинтон ва бошқалар 2001, Буюк Британия) кўра қорин адипоцитларининг катта ҳажмга эга эканлигини таъкидлашади. Бироқ, адабиётларда юқоридагиларга қарама - қарши маълумотлар ҳам келтирилган. Gottlieb ҳаммуаллифлар билан бирга (2009, Бразилия) Arg223 эмас 223Gln аллел гомо ва гетерозигота типда (генотип Gln223Gln ва Gln223Arg) ёғ, лептин миқдорини ва МС га мойилликни оширади деб ҳисоблайди. Юдачкин А.В ва ҳамкасблари томонидан рус аҳолиси орасидаги репродуктив ёшдаги аёлларда семизлик ва Arg223Gln полиморфизми лептин гени рецепторлари ўртасида боғлиқлик аниқлашмаган бўлса ҳам SNP LEPR инсулинрезистентликни келтириб чиқариши мумкин деб топилган.

Юқорида келтирилган далиллар, шунингдек, республикамызда яшовчи аёллар орасида ортиқча тана вазнга эга бўлганларнинг кўпайиши ва семириб кетиши шароитида репродуктив тизимнинг бузилиш ҳолатларининг тобора ўсиб бориши илмий ишнинг зарурияти ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий –тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент Тиббиёт Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Касалликлар профилактикаси, дифференциал терапия усуллари ҳамда даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, генетик полиморфизм таъсири асосидаги атроф-муҳит омилларининг нохуш таъсири ва бошқа детерминантлари» (2010-2016йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** экзоген-конституционал семизликда фертил ёшдаги аёлларда бузилган репродуктив тизимдаги ўзгаришларнинг клиник ва генетик жиҳатларини, прогностик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда генетик полиморфизмга боғлиқ равишда жинсий касалликларни ўз вақтида ташхислаш ёндашувларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

экзоген-конституционал семизлик мавжуд фертил ёшдаги аёлларда клиник-анамнестик, гормонал ва биокимёвий маълумотларни таҳлил қилиш;

экзоген-конституционал семизлик кузатилган этник келиб чиқиши ўзбек бўлган аёлларда лептин рецепторлари LEPR генининг Gln223Arg полиморфизмини баҳолаш;

генетик ва клиник-лаборатор кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликни баҳолаш;

генетик полиморфизмга асосланиб экзоген-конституционал семизлик билан туғиш ёшидаги аёлларда репродуктив бузилишларни эрта ташхислаш ва бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2012-2017 йилларда Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази ва Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси поликлиника бўлимида репродуктив тизим томонидан турли хил касалликлар мавжуд бўлган экзоген-конституционал семизлик аниқланган 228 нафар аёллар танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети** инсулин, лептин миқдорини аниқлаш ва ДНК ажратиш олиш мақсадида қон зардоби олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда клиник-биокимёвий, гормонал (қон зардоблари), инструментал (УЗД, радиологик – гипофиз МРТ си) ва статистик, шунингдек LEPR гени полиморфизмини аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк марта экзоген – конституционал семизлик билан касалланган туғиш ёшидаги аёлларда LEPR лептин рецептори генининг Gln223Arg полиморфизми генотида GA гетерозигот тури репродуктив бузилишлар билан боғлиқлиги аниқланган;

биринчи марта этник келиб чиқиши ўзбек аёлларида LEPR лептин рецептори генининг Gln223Arg полиморфизмида мутант G-аллелнинг устунлиги экзоген семизликнинг ва туғиш ёшидаги аёлларда репродуктив касалликлар ривожланиши билан боғлиқлиги баҳоланган;

фертил ёшидаги аёллар орасида генетик профилнинг қиёсий таҳлили сақланиб қолган фертилик ва бепуштлик билан семириб кетиш негизида, мутант гомозигот GG -генотип бепуштликнинг ривожланишида прогностик омил эканлиги исботланган;

клиник ва генетик ўзгаришлар ўртасидаги коррелятив боғлиқлик асосида экзоген – конституционал семириш мавжуд бўлган фертил ёшидаги аёлларда репродуктив касалликларни прогнозловчи ва бошқарувчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотлар асосида семизлик ва репродуктив касалликларнинг ривожланишини олдини олиш мақсадида қуйидаги хавф гуруҳлари: семизликнинг балоғатга етиш давридан, фаол репродуктив ёшдан, биринчи ҳомиладорлик давридан бошланиши, ҳамда она томонидан ирсиятнинг мавжудлиги аниқланган;

экзоген -конституционал семизлиги бўлган фертил ёшидаги аёлларда лептин рецептори генининг полиморфизми ўрганилган;

эндокринолог ва гинеколог - топ мутахассис шифокорлари учун LEPR лептин рецептори генининг Gln223Arg полиморфизм генотипини ташишни ҳисобга олган ҳолда экзоген – конституционал семизлик негизида репродуктив касалликларни эрта ташхислаш усуллари бўйича тавсиялар белгиланган;

экзоген-конституционал семизлиги бўлган туғиш ёшидаги аёлларда репродуктив касалликларнинг ривожланишини эрта аниқлаш ва прогноз қилиш алгоритми ишлаб чиқилган;



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишда қўлланиладиган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тасдиқланган замонавий, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник-инструментал, эндокринологик, лаборатор, молекуляр-генетик усуллар ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, ўтказилган таҳлиллар натижаларининг аниқлиги ва статистик ишлов берилганлиги билан изоҳланади. Олинган маълумотларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланиши, хулосалар асосланганлиги ва уларнинг ишончлигини тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туғиш ёшидаги аёлларда экзоген – конституционал семизликнинг патогенетик механизмларни, клиник ва генетик хусусиятларни ўрганилиши, репродуктив касалликлар билан боғлиқликни аниқланиши, шунингдек, бепуштликнинг ривожланишини башорат қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экзоген – конституционал семизлик негизда репродуктив касалликларга чалинган туғиш ёшидаги аёлларни эрта ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашувларни, семиришнинг ривожланишини олдини олиш бўйича профилактика чораларини такомиллаштириш, шунингдек, аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Экзоген – конституционал семизлик билан туғиш ёшидаги аёллар репродуктив тизимининг клиник ва генетик жиҳатларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Репродуктив касалликларга чалинган туғиш ёшидаги аёлларда экзоген – конституционал семиришни даволашнинг замонавий ёндашувлари» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигини 2019 йил 8 ноябрь 8н-р/469-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома репродуктив касалликлар билан экзоген – конституционал семиришни даволашни муқобиллаштириш имконини берган.

Экзоген – конституционал семизлик негизда репродуктив касалликларга чалинган туғиш ёшидаги аёлларни эрта ташхислаш ва пргонзлаш учун LEPR лептин рецептори генининг Gln223Arg полиморфизм генотиби билан боғлиқлигини ўрганиш асосида даволаш тадбирлари самарадорлигини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар, соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман 48-оилавий поликлиникаси, Республика Ихтисослаштирилган Акушерлик ва Гинекология илмий-амалий маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигини 2020 йил 5 ноябрь 8н-з/144-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, эрта ташхислашни, касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни профилактикасини оптималлаштиришга, ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Тадқиқотнинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Адабиётлар шарҳи**» бобида экзоген – конституционал семизликнинг клиникаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий қарашлари, шунингдек, туғиш ёшидаги аёлларда унинг клиник-диагностик хусусиятлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ўрганилаётган муаммо бўйича нафақат яқка тартибда ўтказилган балки кўп марказли тадқиқот натижаларидан ҳам фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари ақс эттирилган. Тадқиқот 2012 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда ТТА 3-клиникасининг эндокринология бўлими ва Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази маслаҳат поликлиникаси базасида ўтказилган. Мазкур илмий иш репродуктив тизим томонидан турли хил касалликлар бўйича маслаҳат олиш учун мурожаат қилган 228 нафар аёлларнинг клиник-лаборатор, эндокринологик ва генетик кўрсаткичларини таҳлил қилишга асосланган. Тадқиқот дизайни – обсервацион кросс-секцион текшируви сифатида ўтказилган.


Текширилаётган беморлар асосий гуруҳларга тақсимланган (1-расм): асосий гуруҳни 149 нафар ортиқча тана вазни ва семизлик мавжуд бўлган аёллар, назорат гуруҳини эса клиник биокимёвий, гормонал ва генетик тадқиқотлар учун 33 нафар тана вазни индекси меъёрида бўлган соғлом аёллар ташкил этган, ҳамда фақат генетик тадқиқотлар учун яна 46 та шартли соғлом аёллардан қон зардоби олинган.

Асосий гуруҳ, ўз навбатида, репродуктив тизимда бузилишлар бўлган ортиқча ва тана вазни индекси юқори бўлган аёллар ҳамда репродуктив фаолиятида ўзгаришлар кузатилмаган ортиқча ваздли кичик гуруҳларга ажратилди.



1-расм. Асосий кузатув гуруҳига тақсимлаш

Экзоген – конституционал семизлик негизида фертил ёшдаги аёлларда ўрганилаётган касалликка кўра кичик гуруҳларга ажратиш қуйидагича бўлди (2-расм).



2-расм. Ўрганилаётган касалликларга қараб гуруҳларга ажратиш

Тадқиқотга киритилган барча аёллар репродуктив ёшда бўлиб, текшириш вақтида уларнинг ўртача ёши  $28,7 \pm 0,4$  тенг эди. Бунда шаҳарда яшовчиларнинг улуши 79,7%, қишлоқ аҳолиси эса 20,3% ташкил этди. Ўртача тана вазни индекси  $31,8 \pm 0,35$  кг / м<sup>2</sup> эди.

Тана вазни индекси  $\geq 30$  (98) бўлган туғиш ёшидаги аёллар семизлик турига қараб икки гуруҳга ажратилди, жумладан, 77,5 % (76 аёллар) қорин ва қолган 22,6 % (22) гиноид семизлик турини ташкил қилдилар.

Анамнез маълумотлари таҳлили асосида биринчи ҳайз (менархе) нинг бошланиши ўртача  $12,9 \pm 0,09$  ёшга тўғри келди.

**Тадқиқотга қўшиш мезонлари:**

- ✓ туғиш ёшидаги аёллар (18-49 ёш);
- ✓ тадқиқот вақтида тана вазни индексини  $\geq 25$  юқорилиги;
- ✓ ўзбек миллатига мансуб аёллар.

**Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари:**

- ✓ фертил ёш мезонларига мос келмайдиганлар (18 ёшдан кичик ва 49 ёшдан катта);
- ✓ ҳомиладор ва контрацептивлар ёки вазн даражасига таъсир этувчи бошқа дориларни қабул қилувчи аёллар;
- ✓ семизликни келиб чиқиши эндокрин (Кушинг синдроми, гипотирозидизм ва бошқалар) ёки гипоталамик касалликлар билан боғлиқ бўлган аёллар;
- ✓ онкологик ва жиддий соматик касалликларга чалинганлар;
- ✓ ўзбек миллатига мансуб бўлмаган ёки аралаш ўзбек миллатли аёллар.

Кузатувга олинганларнинг ўзбек миллатига мансублиги синчковлик билан анамнез йиғиш ёрдамида унинг оила аъзоларининг сўнгги уч авлоди ушбу миллатга тегишли эканлиги бемор билан суҳбатлашиш ёрдамида аниқланди.

Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги молекуляр тиббиёт ва ҳужайра технологиялари бўлими ҳамда Гематология ва Қон Қуйиш Илмий-Тадқиқот институтида олиб борилди. Беморларнинг қон намуналарини тўплаш Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази ҳудудида ўтказилди. 3 мл миқдоридаги веноз қон 5 мл ли кутайнер (ЭДТА) га йиғилиб - 20°C да сақланди.

Тадқиқотлар 2012-2017 йилларда ортиқча вазн ва семизлиги бўлган туғиш ёшидаги аёллар орасида амалга оширилди. Тадқиқот учун муайян шахсларни танлашда уларнинг этник келиб чиқиши, жинси, ёши ҳисобга олинди.

Натижаларга статистик қайта ишлов беришда STATISTICA 6.0 Microsoft Excel компьютер дастуридан фойдаланилди. Тарқалганлик ҳақидаги маълумотлар тегишли ёш ва жинс гуруҳидаги шахслар сонига нисбатан фоизларда ўрганилди. Ўртача қийматлар Студент мезони билан ҳисоблаб чиқилди, ўртача хатолик  $M \pm m$  деб белгиланди.

Диссертациянинг учинчи «**Шахсий тадқиқот натижалари**» боби уч кичик қисмдан иборат бўлиб, унда экзоген – конституционал семизлик мавжуд аёллардаги репродуктив тизим бузилишлари, гормонал ўзгаришлар, инсулинга резистентлик ва липид спектри таҳлили натижалари кетма-кетликда келтирилган. Ортиқча вазн ва семириб кетиш негизида репродуктив

касалликларга чалинганлар ва касаллиги бўлмаганларда гормонал ўзгаришлар ўрганилди ҳамда таҳлил қилинди.

Шуни қайд этиш керакки, репродуктив бузилишлар мавжуд гуруҳдаги аёллар орасида улар аниқланмаганларга нисбатан абдоминал семизлик бўлганлар сони кўпроқ учради. ( $p < 0,001$ ).

#### 1-жадвал

##### Асосий гуруҳдаги фертил ёшдаги аёлларда семизликнинг учраш сони

Семизлик тури	1чи гуруҳ (n=88)		2чи гуруҳ (n=61)		$\chi^2$	P
	мутлақ	%	Мутлақ	%		
Абдоминал	82	93,2	45	73,8	8,4	<0,01
Гиноид	6	6,8	16	26,2	11,3	<0,001

Тана вазни ортиб бориши билан репродуктив касалликларнинг учраш сони ҳам ошиб бориши аниқланди. Репродуктив дисфункция кузатилган аёлларнинг 27,3% да ортиқча вазн, 43,2 % да эса семизликнинг биринчи даражаси қайд этилган бўлса, репродуктив касалликлари бўлмаган аёллар гуруҳида бу кўрсаткичлар бир оз фарқ қилиб ортиқча вазнлилар 44,3%, биринчи даражали семизлик аниқланганлар 42,6 1% ни ташкил қилди.

#### 2-жадвал

##### Фертил ёшдаги аёлларда ортиқча вазн ва семизликнинг учраш сони

Тана вазни индекси даражаси	1чи гуруҳ (n=88)		2чи гуруҳ (n=61)		$\chi^2$	P
	мутлақ	%	мутлақ	%		
25-29,9 /ортиқча вазн	24	27,3	27	44,3	2,8	<0,05
30-34,9/ семизлик 1-даража	38	43,2	26	42,6	0,5	>0,05
35-39,9/ семизлик 2-даража	21	23,8	7	11,5	0,1	<0,05
>40 / семизлик 3-даража	5	5,7	1	1,6	3,5	>0,05

Фертил ёшдаги аёлларда тана вазни индекси даражасидан қатъий назар репродуктив бузилишлар мавжуд гуруҳда ҳайз циклидаги ўзгаришларни рўйхатга олиш сони таҳлил қилинганда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар қайд этилмади ( $p > 0,05$ ). Шу билан бирга, гипоменструал синдром каби касалликлар, биз ўрганган барча гуруҳларда бир хил даражада тез-тез учради. Уларнинг 42 тасидан 22 аёлда (52,4%) – олигоменорея, 12 аёлда (28,6%) – опсоменорея ва 8 аёлда (19%) – олигоопсоменорея каби цикл бузилишлари аниқланди.

**Тана вазни индексига боғлиқ ҳолда репродуктив бузилишлар мавжуд фертил ёшдаги аёлларда бирламчи ва иккиламчи бепуштликнинг учраши**

Репродуктив бузилишлар	Ортиқча тана вазни n=24		Семизлик 1 даража n=38		Семизлик 2 ва 3 даража n=26	
	мутлақ	%	мутлақ	%	мутлақ	%
Бирламчи бепуштлик	6	25	10	26,3	10	38,4*
Иккиламчи бепуштлик	5	20,8	9	23,7	3	11,5
Бепуштлик йўқ	13	54,2	19	50	13	50

Изоҳ: \* - ортиқча тана вазнли фертил ёшдаги аёллар гуруҳига кўра фарқлар нисбати (\*- P<0,05)

Тана вазни индекси даражасига қараб фертил ёшидаги аёлларда бирламчи ва иккиламчи бепуштликнинг тарқалишини ўрганиш таҳлили вазн ўсиши билан бирламчи бепуштлик ҳолатларининг кўпайиши кузатилганлигини кўрсатди. Шундай қилиб, иккинчи ва учинчи даражали семизликдаги аёллар гуруҳи солиштирилганда, асосий бепуштлик ҳоллари ортиқча вазнли гуруҳга нисбатан 1,5 марта ( $p<0,05$ ) юқорилиги аниқланди (3-жадвал).

Семизлик мавжуд бўлган фертил ёшдаги аёлларда репродуктив касалликлар ривожланишида турли омиллар таъсирини аниқлаш мақсадида ўтказган текширувларимизда 47% ҳолларда семизлик жинсий ривожланиш (менархе), 41% аёлларда эса биринчи ҳомиладорлик даврида кузатилиши аниқланди.

Шунингдек, асосий гуруҳ репродуктив касалликлар мавжудлиги ёки йўқлигига қараб кичик гуруҳларга ажратилди. Фертил ёшдаги аёлларнинг репродуктив бузилишлар мавжуд гуруҳида семизликнинг болалик ва балоғатга етиш даврида ривожланиши 64,7%, бузилишлар бўлмаган гуруҳида эса 51,7 % ҳолда кузатилиб, иккинчи гуруҳга нисбатан бу кўрсаткич 1,2 марта кўпроқ ( $p<0,05$ ) бўлди. Ўрганилаётган барча аёллар орасида сўровнома ўтказиш ёрдамида тахминан 60% ҳолларда семиришнинг наслдан наслга ўтиши аниқланди.

Диссертациянинг «Фертил ёшдаги аёлларда кузатилган экзоген-конституционал семизликда пролактин, лептин ва инсулин даражасини таҳлил қилиш» мавзусидаги кичик бобида семизлик даражасига, репродуктив касалликлар, бепуштлик, тухумдонлар поликистози синдроми мавжудлигига қараб гормон кўрсаткичлари натижалари келтирилган (4-жадвал).

**Семизлик мавжуд фертил ёшдаги аёлларда пролактин, лептин ва инсулин кўрсаткичлари**

Гормонал кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи (n=33)	Семизлик 1 даража (n=64)	Семизлик 2 даража (n=28)	Семизлик 3 даража (n=6)
Пролактин (мМЕ/л)	181,6±13,49	384,1±32,36*	398,2±44,13*	582,3±56,2*^
Лептин (нг/мл)	6,0±0,37	24,5±0,74*	26,2±1,14*	40,5±2,3*^
Инсулин (мМЕ/мл)	7,4±0,39	27,1±0,70*	30,0±0,98*	44,3±2,5*^

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан фарқлар (\*- P<0,01), ^ - 1 даражали семизлик гуруҳига нисбатан фарқлар (^- P<0,05).

Биз аёлларнинг тана вазни индекси ошиши билан пролактин, лептин ва инсулин гормонларининг ўртача даражалари бевосита пропорционал ўсишини аниқладик. Гормонларнинг ўртача кўрсаткичлари бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқ назорат гуруҳига (p<0,01) нисбатан барча таққослаш гуруҳларида кузатилди. Айниқса, 3-даражали семириш гуруҳидаги беморларда сезиларли ўсиш намоён бўлди. Уларда 1-даражали семизлиги бўлган аёллар гуруҳига нисбатан пролактин, лептин ва инсулиннинг ўртача даражаси деярли 1,5 марта (p<0,05) юқорилиги аниқланди.

Пролактиннинг ўртача кўрсаткичи репродуктив касалликларга чалинган аёлларда жинсий соҳада муаммолар бўлмаганларга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги қайд этилди. Бундай ҳол оғир вазни гуруҳда ҳам, 1 ва 2-3 даражали семизлик гуруҳларида (p<0,01) ҳам кузатилди. Бу бизга репродуктив касалликлар ва айниқса бепуштлик ривожланиши учун асосий хавф гуруҳларидан бири ортиқча тана вазни ёки семизлик негизда пролактинни юқори даражада бўлиши дейишга асос бўлди.

**Бепуштлик мавжуд фертил ёшдаги аёллар гуруҳида пролактин, лептин ва инсулин миқдори**

Гормонал кўрсаткичлари	Бепуштлик йўқ (n=61)	Бирламчи бепуштлик (n=26)	Иккиламчи бепуштлик (n=17)
Пролактин (мМЕ/л)	263,6±26,23	430,7±47,18*	541,7±45,23*^
Лептин (нг/мл)	23,1±0,75	28,4±1,23*	27,7±1,53*
Инсулин (мМЕ/мл)	21,0±0,91	24,7±1,39	23,8±1,43

Изоҳ: \* - бепуштлик йўқ гуруҳдаги фарқлар нисбати (\* - P<0,01), ^ - бирламчи бепуштлик гуруҳдаги фарқлар нисбати (^ - P<0,05).

Шундай қилиб, олинган маълумотлар семизликнинг салбий таъсири ҳамда пролактин, лептин ва инсулин каби гормонлар даражаси гипоталамус-

гипофиз тухумдонлар орқали репродуктив тизимга узатилишини яна бир бор тасдиқлади (5-жадвал).

Бепуштлик мавжудлигига қараб, юқори тана вазни индекси бўлган фертил ёшдаги аёлларда олинган маълумотларни таҳлил қилганда, пролактин, лептин ва инсулин гормонлари даражаси фертил ёшдаги аёллар гуруҳига ( $p < 0,01$ ) нисбатан асосий ва иккинчи даражали бепуштлик гуруҳларида сезиларли даражада юқорилиги аниқланди. Бунда иккиламчи бепуштликда пролактин даражаси асосий бепуштлик гуруҳига нисбатан 1,3 марта ( $p < 0,05$ ) юқорилиги қайд этилди.

Тухумдонлар поликистоз синдроми бўлган фертил ёшдаги аёлларда ушбу гормонлар кўрсаткичларининг таҳлил натижалари уларда пролактин, лептин ва инсулиннинг ўртача кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан ( $p < 0,01$ ) анча юқори эканлигини кўрсатди.

Тиреоид гормонларини аниқлашда олинган натижаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 2 ва 3 даражадаги семизлик мавжуд аёллар гуруҳида ТТГ ( $p < 0,01$ ) нинг юқори меъёр даражаси аниқланиб, у назорат гуруҳига нисбатан сезиларли ошганлиги кузатилди. 1, 2, 3 даражали семизлик бўлган барча ўрганилган гуруҳлардаги аёлларда назорат гуруҳига нисбатан тиреопероксидазага антитела (ТПО-антитела) статистик ишончли ортиши ( $p < 0,01$ ) қайд этилди. 1-даражали семизлик гуруҳига нисбатан, унинг 3 даражасидаги аёлларда ТТГ ва ТПО-антитела ишончли ( $p < 0,05$ ) юқори даражада кузатилди.

Репродуктив ўзгаришлар мавжудлигига қараб, қалқонсимон без гормонларини ўрганиш, улар мавжуд бўлган беморларда назорат гуруҳига нисбатан ТТГ ва ТПО-антитела даражасида ишончли фарқ борлигини кўрсатди.

Гиперпролактинемия мавжуд аёллар гуруҳи назорат гуруҳи билан солиштирилганда биринчисида ТТГ нинг юқори даражада ишончли ( $p < 0,01$ ) ошганлиги қайд этилди. Шунингдек, ТПО-антитела даражасининг ўртача кўрсаткичи гиперпролактинемия бўлган аёллар гуруҳида ( $p < 0,01$ ) назорат ва пролактин ( $p < 0,05$ ) меъёрида бўлганларда нисбатан ишончли юқорилиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Экзоген - конституционал семизликда фертил ёшдаги аёлларнинг гормонал ҳолати**» қисмини таҳлили давомида репродуктив касалликлар, масалан, ҳайз цикли бузилишининг турли шакллари ва бепуштлик сони ортиши қайд қилинди. Шунингдек, семиз аёлларда қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши ўрганилди.

Назорат гуруҳига нисбатан репродуктив касалликлар мавжуд гуруҳда тестостерон ( $p < 0,05$ ) ва дегидроэпиандростерон сульфат деярли 2 марта ( $p < 0,01$ ), шунингдек, лютеинловчи гормон ( $p < 0,01$ ) деярли 3 марта ошганлиги эътиборни қарайди. Дегидроэпиандростерон сульфат ва лютеинловчи гормонлар миқдори репродуктив касалликларга чалинган аёллар гуруҳида ( $p < 0,05$ ) соғломларга нисбатан анча юқори эди.

Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда юқоридаги гормонларнинг



ўсишига олиб келган сабабни мантиқан аниқлаш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар б-жадвалда келтирилганидек кузатувдаги аёлларда тухумдонлар поликистози синдроми ташхиси мавжудлиги билан изоҳланади.

**6-жадвал**

**Тухумдонлар поликистози синдроми мавжуд фертил ёшдаги аёлларда жинсий гормонлар миқдори**

Гормонал кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи (n=33)	Тухумдонлар поликистоз синдроми мавжуд фертил ёшдаги аёллар (n=19)
Эстрадиол, нг/мл	61,9±6,2	64,2±7,5
Прогестерон, нг/мл	0,8±0,11	0,64±1,24
Тестостерон, нмоль/л	1,9±0,19	5,5±0,82*
Кортизол, нмоль/л	201,6±12,20	198,5±13,45
Лютеинловчи гормон, мМЕ/л	3,2±0,16	12,6±0,92*
Фолликул стимулловчи гормон, мМЕ/л	3,9±0,17	4,3±0,27
ДГЭА-С, мкмоль/мл	97,1±9,28	234,6±12,43*

Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар ишончли (\*- p<0,001).

6-жадвалдаги маълумотларнинг таҳлили натижасида тухумдонлар поликистоз синдроми бўлган аёллар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан тестостерон, лютеинловчи гормон ва дегидроэпиандростерон сульфат гормонлари даражаси статистик жиҳатдан 3 марта ортиқлиги аниқланди (p<0,001). Бошқа кўрсаткичлар бўйича кузатувдаги гуруҳларда ишончли фарқ қайд этилмади.

Диссертациянинг «**Экзоген – конституционал семизликда аёлларда липид спектри ва инсулинрезистентликнинг НОМА индекси бўйича таҳлили**» бобида ушбу гуруҳга кирувчи беморларда ўтказилган текширувлар баён этилиб, ортиқча вазн ва семизлик мавжуд аёлларда инсулинрезистентлик ва липид спектри кўрсаткичи натижалари келтирилган. Кўрсаткичлар таққосланганда семизлик даражаси ошиб бориши билан НОМА индексининг ҳам сезиларли ошиш томонга йўналиши мавжудлиги кузатилди.

Бунда вазни оғир аёллар гуруҳида НОМА индекси 5,0 бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан деярли 3 марта (p<0,001) юқори бўлса, семизликнинг 2 ва 3 даражалари мавжуд гуруҳда бу кўрсаткич 4 мартадан ортиқ (p < 0,001) фарқ қилди. Шунини таъкидлаш лозимки, барча гуруҳларда наҳорда қонда ўртача глюкоза миқдори меъёр даражасида бўлиб, гуруҳларда сезиларли фарқлар аниқланмади.

Таҳлиллар семизлик мавжуд беморларнинг барчасида НОМА индекси ва липид алмашинуви кўрсаткичлари сезиларли даражада ошганлиги аниқланиб,

бу репродуктив касалликларга чалинган аёллар гуруҳида яққол намоён бўлди.

Диссертациянинг «Экзоген – конституционал семизлик билан кечган репродуктив ёшдаги аёлларда Gln223Arg (rs 1137101) LEPR генетик кўрсаткичлар»га бағишланган тўртинчи бобида ирсий табиатли LEPR генотип полиморфизми характери ва генотипларни клиник-лаборатория кўрсаткичлар билан корреляцияси таҳлил қилинган.

7-жадвал

**Gln223Arg полиморфизмини LEPR гени аллеллари ва генотиплар бўйича тақсимланиши**

Аллеллар ва генотиплар	Асосий гуруҳда аниқланганлар сони	Назорат гуруҳида аниқланганлар сони	Жами
G аллел	149	41	190
A аллел	149	117	266
GG генотип	31	5	36
GA генотип	87	31	118
AA генотип	31	43	74
Жами	149	79	228

Ўрганилаётган полиморфизм бўйича бир ёки бир нечта генотипнинг ташувчисини чуқурроқ ўрганиш мақсадида биз қуйидаги ирсият моделларини яратдик.

**LEPR гени Gln223Arg полиморфизми учун яратилган ирсият моделлари ва Харди-Вайнберг синамаси**

8-жадвал

**Ирсиятнинг умумий модели (тест  $\chi^2$ , df = 1)**

Аллеллар	Ҳолатлар	Назорат		p	OR	
	n=149	n=79			аҳамиятли	95% CI
Аллел G	0.500	0.259	24.57	0.000	2.8537	1.8712-4.3519
Аллел A	0.500	0.741			0.3504	0.2298-0.5344

9-жадвал

**Назорат учун Харди-Вайнберг синамаси (тест  $\chi^2$ , df = 1)**

Генотиплар	Назорат	HWE	$\chi^2$	p
	n=79			
Генотип G/G	0.063	0.067	0.035	0.9826
Генотип G/A	0.392	0.385		
Генотип A/A	0.545	0.548		

Ходисалар учун Харди-Вайнберг синамаси (тест  $\chi^2$ ,  $df = 1$ ) ҳолатлар учун

Генотиплар	Ҳолатлар	HWE	$\chi^2$	p
	n=149			
Генотип G/G	0.208	0.250	4.195	0.1228
Генотип G/A	0.584	0.500		
Генотип A/A	0.208	0.250		

Юқорида келтирилган жадваллардан кўриниб турибдики, биз текширган ўзбек миллатига мансуб аёллар орасида LEPR генининг Gln223Arg полиморфизми, ортиқча вазни ва семизлик бўлган гуруҳда мутант аллел G ( $\chi^2=24.57$ ,  $p=0.0001$ ) A га нисбатан анча кўп қайд этилди.

Кохран - Армитаж синамаси бўйича кўшимча ирсият моделини қуришда аёлларнинг асосий гуруҳида гетерозигот ирсият тури деярли 2 марта кенг тарқалганлиги ( $\chi^2=32.42$ ,  $p=0.0001$ ) аниқланди.

1, 2 ва 3 даражадаги экзоген семизлик бўлган ( $\chi^2=40.31$ ,  $p=0.00$  ва  $X^2=49.76$ ,  $p=0.00$  навбати билан) алоҳида гуруҳда мутант G аллел ва гетерозигот GA нинг ўхшаш мойиллиги кузатилди.

Gln223Arg полиморфизмида семириб кетиш негизида репродуктив касалликларга чалинган аёллар гуруҳида мутант аллел G аллел A билан солиштириганда биринчиси кўпроқ қайд этилди ( $\chi^2=25.06$ ,  $p=0.0001$ ). Бу маълумот репродуктив тизимда ўзгаришлар бўлганда мутант G аллел ассоциациясининг мавжудлигини кўрсатади.

LEPR rs 1137101 генотиби ва полиморф аллелларнинг сони ва репродуктив бузилишларнинг мавжудлиги ўртасидаги ассоциациянинг ўзгаришларини таҳлил қилиш учун баҳолаш синамаси таққосланганда генотиплар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар борлигини кўрсатди ва гетерозигот ирсият тури деярли 1,5 марта кўпроқ учради ( $\chi^2 = 29.98$ ,  $p = 0,0001$ ), аниқланди.

Шундай қилиб, ушбу маълумотлар семириш даражаси ортиб бориши билан аёлларда жинсий соҳадаги муаммолар сонининг кўпайиш ҳолати кузатилади деган хулосага келишга асос бўлди.

